

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ ҚЎMITASINING  
ҚАРОРИ**186** «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини алмаштириладиган магнит (электрон, оптик) манбаларда ёки алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида тақдим этишнинг тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1756-1*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сон «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 декабрдаги 355-сон «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 589-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 18 декабрдаги 2007-65-сонли қарори (рўйхат рақами 1756, 2008 йил 3 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 1-2-сон, 3-модда) билан тасдиқланган «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини алмаштириладиган магнит (электрон, оптик) манбаларда ёки алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида тақдим этишнинг тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низомнинг 18-бандидаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

**186-187-моддалар**

**— 60 —**

**14 (566)-сон**

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 18 март,  
2013-14-сон

**Келишилган:**

*Алоқа, ахборотлаштириш ва  
телекоммуникация технологиялари  
давлат қўмитаси раиси*

**Х. МИРЗАХИДОВ**

*2013 йил 18 март*

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

*2013 йил 18 март*